



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 3-may. Payshanba 55 (31.487) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро вилоятида ижроси бўйича назорат-таҳлил яқунлари муҳокама қилинди.



Миродбек ЭИЕ олган суратлар.

ЙОД ЕТИШМАСЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бухоро вилоятида қонун талаблари даражасида эмас

Авалло таъкидлаш керакки, мазкур Қонун аҳолини йод етишмаслиги касалликларидан ҳимоя қилиш ва профилактикаси амалга ошириш билан боғлиқ ишларни тартибга солиди. Қонуннинг 4-моддасида йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси давлат томонидан тартибга солиниши белгилаб қўйилган. Унга кўра, истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирши, бунинг учун иктисодий, ҳуқуқий ҳамда ташкилий чора-

тадбирларни амалга ошириш, маҳсулотлар сифати ва хавфсизлиги бўйича давлат назорати юритиш йод етишмаслиги касалликларни профилактикасида оид давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Қонуннинг 5-моддасига асосан бу борада давлат бошқарувини ҳукумат, мутасадди вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари амалга оширади.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг ишчи гуруҳи

дастлаб «Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро вилоятида ижросини назорат-таҳлил тартибда урганди. Вилоятда Қонун ижросини таъминлаш, йод танқислиги касалликларининг олдини олиш борада муайян ишлар қилинган. Аммо Қонун меъёрларини ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоат ташкилотлари қатор сустанликларга йўл қўяётганидан, йодланган туз ва озиқ-овқат маҳсулот

сифати ва хавфсизлиги, истеъмолчига етказилиши устидан давлат назорати ўрнатиш борасида камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмади. Хусусан, ош тузи ва озиқ-овқат маҳсулотларининг талаб даражасида йодланиши, сотувга чиқарилиши ва бу борада тизимли мониторинг олиб борилиши бўйича қонун меъёрлари бажарилмаган. Бу кўмига йиғилишида алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

МЕҲР-ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Андижон вилояти Бўз туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қўчқорбой ота Юнусов хонадонини айни кунларда ҳар қачонгидан гавжум.



Хурсандбек АРАББОВЕВ (ўса) олган сурат.

Маҳалла фаоллари, шогирдлар, невра-чеваралар байрам арафасида Қўчқорбой отани тез-тез йўқлаб туришибди. Отанинг чеҳрасидан бугунги ҳаётдан шукроналик, дорилмомон кунларнинг роҳат-фароғатидан шодмонлик туйғуси аримайди.

— Юртимизда инсон қадрини эъзозлашга йўғрилган бундай шодидоғли кунлар кишини ҳаётдан янада завқланиб яшашига ундайди, — дейди Қ. Юнусов. — Неврачевараларимга бугунги дорилмомон кунларимизнинг

қадрига етинглар, деб уқти-ётган доимий гавжурлигимизни раман. Юртбошимизнинг биз фахрийларга кўрсата-

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қўчқорбой ота Юнусов набираси билан.

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

ИЖОДКОР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академиясида «Камалак жилоси» деб номланган расмлар танлови бўлиб ўтди.

Меҳрибонлик уйларининг 1500 нафар тарбияланувчилари иштирок этиб, вилоят босқичларида голиб, деб топилган 100 дан ортқ акварел расмлар ва 80 дан ортқ амалий санъат асарлари намойиш этилди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан 4 ёшдан 10 ёшгача ҳамда 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчиларнинг тасвирий, амалий санъат йўналишидаги асарлари муносиб баҳоланди. 12 нафар голиб ва 10 та номинация совриндорларига мукофотлар топширилди.

Шунингдек, кўргазма доирасида пойтахтимизнинг барча Меҳрибонлик уйлари иқтидорли тарбияланувчилари ўртасида тезкор расмлар кўрик-танлови ҳам ташкил этилиб, расмлар айни вақтнинг ўзида ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди. Танлов якунида голиблар ҳомиёлар томонидан ажратилган қимматбахо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

Бобомурод ИБРАГИМОВ, «Туркистон-пресс».

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Фарғона вилоятида «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттиришда ЎзХДПнинг ўзига хос ёндашуви ва вазибалари» мавзусида сиёсий ўқув машғулоти ўтказилди.

АМАЛИЙ ИШ

фаолиятимизда бош мезон бўлсин

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат ва жамият бошқаруви очкилигини таъминлаш етакчи ўрин тутади. Бунинг учун фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, сиёсий партиялар фаол бўлиши, масъулият билан ишлаши, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиши, давлат ва маҳаллий дастурлар ижросини назорат қилиши, бир сўз билан айтганда, амалий фаолият кўрсатиши талаб этилади. Сиёсий ўқувда бу масалалар бўйича фикр-мулоҳаза билдирилди.

Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, ижтимоий фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўзга чиққанлар электротартиб ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этилаётган ўқув машғулотларининг таъсирчанлигини ошириш зарурлигини таъкидлашди.

→ 2

Партиялараро баҳс

ИШ ВА ФАРОВОНЛИК — БАРЧА УЧУН!

Бу аҳолининг ижтимоий фаоллиги ошишига хизмат қилади. ЎзХДПнинг бу борадаги қарши ва амалий ишлари «адолат»чиларни нега ташвишга соляпти?

2-бет

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ПАРТИЯ ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришга, яъни аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

Бу йил ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан маҳалла ишига кўмак бериш, аҳолини аниқ йўналтирилган манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида жойларда «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси асосида турли тадбир, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этилмоқда. Навбатдаги тадбир Тошкент вилояти Қибрай туманида бўлиб ўтди. Унда электротартиб вакиллари, маҳалла фаоллари, «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Захро НУРМАТОВА, Қибрай туман партия кенгаши раиси ўринбосари: — Маҳалла институти имкониятидан ўринли фойдаланиш,

унинг давлат бошқаруви идоралари устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимини такомиллаштириш ҳамда оилавий тадбиркорлик ва касаначи-

ликни ривожлантиришда бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, бугунги давра суҳбатида ҳам касб-хунар коллежларини битирган ёшлар, партиямиз электротартиб вакиллари — кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган лекин меҳнатга лаёқатли фуқаролар, шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида амалий тақдирлар билдирилди. Шу билан бирга, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази ва маҳаллалар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича режа ишлаб чиқдик.

Зеро, ҳамкорлик доирасини кенгайтириш партия ишини жонлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан маҳалла орқали кишиларнинг қувончу ташвиши, уларни йўналтираётган муаммолардан огоҳ бўлаемиз.

Тадбирда мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида ўзини кўрсатган маҳаллалар «Энг илғор маҳалла», «Янги иш ўринларини ташкил этишда энг фаол кўмаклашадиган маҳалла», «Оила» мустаҳкамлаш борасидаги энг ташаббускор маҳалла», «Касаначиликни ривожлантиришдаги энг намунали маҳалла» номинациялари бўйича тақдирланди.

→ 2

Ижтимоий ҳимоя



«ШИФО ТОПИШ УЧУН ЮГУРИШ!»

Пойтахтимизда ўтказилган «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони иштирокчилари ана шундай шиор остида майдонга чиқдилар

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» Республика беши саратони миллий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган хайрия форум-марафони якуний босқичи ниҳоясига етди. Шу йилнинг 26 мартида бошланган хайрия марафонининг вилоят босқичлари 24 апрелгача уюштирилиб, унда қирқ мингга яқин ҳамюртимиз фаол қатнашди.

4-бет

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси

ЙОД ЕТИШМАСЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бухоро вилоятида қонун талаблари даражасида эмас



Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган ош тузи албатта йодлини лозим.

Вилоят ҳокимлиги тақдим этган маълумотга кўра, бугунги кунда вилоятда йод-

(Давома. Боши 1-бетда.)

ош тузининг сотувга чиқишига чек қўйиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, йод етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касалликлар профилактикаси бўйича аҳоли билим ва тушунчасини бойитиш юзасидан маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди идоралар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаган.

Вилоятдаги муайян умумий овқатланиш шохбачалари, новвойхона, мактабгача таълим муассасаси ва ошхоналарда фойдаланилаётган ош тузи таркибиде йод моддаси етарли эмаслиги, айрим ҳолатларда йодланмаган ош тузи ишлатилётгани Қонунга мутлақо зид ҳолат, албатта.

Ўтган йили вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси эндокринология диспансери билан бирга, мактаб ўқувчиларида йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган

касалликларни кучаймасдан аниқлаш ва олдини олиш учун мақсадли тиббий кўрик ўтказган. Мазкур жараёнда мактаб ўқувчилари орасида йод танқислиги билан боғлиқ касалликлар аниқланган.

Инсон организмида йод етишмаслиги турли касалликларни келтириб чиқаради. Айниқса, болаларнинг ақлан ва жисмонан ривожланишини чеклайди, ҳомилдор аёллар ҳамда туғилажак фарзанд саломатлигига хавф солади. Кўмита йиғилишида йод етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касалликлар профилактикаси миллий генофондини асраш билан боғлиқ гоят муҳим масала бўлиб, бу борада Қонунга риоя этиш ва унинг ижросини сўзсиз таъминлаш маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари зиммасидаги жиддий вазифа экани алоҳида таъкидланди. Бухоро вилоятида йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича таҳлил қилинди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича вилоят ҳокими ўринбосари Хусниддин Фойровнинг таъкидлашича, Қонун ижросидаги камчиликларни бартараф этиш учун вилоят микёсида аниқ чоралар бел-

гилаш зарур. Тўғри, бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, ош тузини қаддоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириши бўйича назорат ўрнатилган. Ош тузини сифатли йодлайдиган замонавий асбоб-ускуналар келтириш, мавжуд цехлар фаолиятини модернизация қилишга кўмаклашиш кўзда тутилмоқда.

Кўмита аъзолари ва мутасаддилар Қонун ижросини кучайтириш билан боғлиқ масалада фикр алмашиди. Назорат-таҳлил якуналари, билдирилган тақлифлар умумлаштирилди ва Қонун ижросини таъминлашга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси бўйича мукамал ҳудудий дастурнинг ишлаб чиқиши ва изчил амалга оширилишини таъминлаш, ош тузи қаддоқловчиларнинг қонунлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзстандарт агентлиги белгиланган меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилишига эришиш лозимлиги таъкидланди.

Тўқтин ТУРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Партиялараро баҳс

Мамлакатимизда демократик ҳаёт асосларини қарор топтириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ўз микёси жиҳатдан кенг кўламли ислохотлар олиб борилапти. Бу вазифаларнинг самарали ва тўлақонли бажарилишида сиёсий партиялар иштироки муҳим ўрин тутуши ҳеч кимга сир эмас.

ИШ ВА ФАРОВОНЛИК — БАРЧА УЧУН!

Бу аҳолининг ижтимоий фаоллиги ошишига хизмат қилади. ЎзХДПнинг бу борадаги қарари ва амалий ишлари «адолат»чиларни нега ташвишга соляпти?

Шу маънода, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, шу тарихда халқимизнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш ва ислохотларни ҳаётга чуқур татбиқ этиш учун муҳим асос бўлмоқда. Бунинг учун эса ҳар бир сиёсий партия гоявий жиҳатдан етук бўлиши, ўз позициясидан келиб чиқиб, амалий ишлар қилиши керак. Шунда уларнинг жамиятда сиёсий куч сифатидаги таъсири ошади, ҳудудлар тараққий этиши, аҳоли турмуши фаровонлашиши ва демократик ислохотлар чуқурлашишидаги ҳиссаси ортади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ЎзХДП жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжман, яъни иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли одамлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келадиган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга интилади. Партия уларнинг сафини босқичма-босқич камайтириб босиб жамият фаровонлиги ўсишининг асосий шартларидан бири, деб ҳисоблайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий фаол бўлиши, эзгу орзу-мақсадлар йўлида олға интилиши учун, аввало, у иш билан банд бўлиши керак, деб билади.

Ўз меҳнати орқасидан даромад топган одамнинг ўзига ишончи ошади, бошқаларга оғири тушмайди. Унда ҳаётта муносабат ҳам ўзгаради, жамият равожи, мамлакат тараққиёти учун ёниб яшайди.

Бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олган, вақтинча ишсиз юрган, тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган, аммо ишлаш қобилиятига эга, энг муҳими, хўнарамандчиликми, оилавий тадбиркорликми, бизнес биланиши шуғулланиш истаги бор одамлар оз эмас. Уларга фақат ҳуқуқий йўл-йўриқ, маслаҳат, молиявий жиҳатдан кўмак керак. Шу боис ЎзХДП ўз электорати турмуш даражасини яхшилашга қаратилган гояларни қўллаб-қувватлайди ва бу борада ўзи ҳам амалий ишлар қилишга интилоқда. Ўтган йили ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган иқтисодий форумлар натижасида электорат вакилларидан юзлаб кишилар ўз мустақил ишини бошлади.

ЎзХДП «Иш билан бандлик муаммолари бозор, талаб ва тақлиф қонуниятлари билан боғлиқлигини яхши билади. Аммо «бозор иқтисодиёти шароитида ишсизлик бўлиши табиий ҳол», деган «адолат»ча қарашлар билан келиша олмайди. Кишилар келажакка, истиқболга ишончини йўқотмаслиги учун курашади. Партияимизнинг бу масаладаги бош шiori: «Иш ва фаровонлик — барча учун», деб белгилаб қўйилган.

«Адолат» газетасининг 2012 йил 27 апрель сониде эълон қилинган «ХДП: бугунги ўйлаётган партия» сарлавҳали мақолада ХДПнинг бу борадаги қарашлари «мавжуд вазиятга эскича баҳо бериш» сифатида талқин қилинган. Келинг, энди чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрайлик. Биринчидан, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларга эскича қараш, дейиш мантиқ тарозисининг қайси палласига тўғри келади? Иккинчидан, ҳўш, унда «Адолат» СДПда бу муаммо ечимини бўйича қандай янгича ёндашув бор?

Ишсизликни бартараф этиш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳўкми сурган бугунги шароитда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бундай вазиятда ўзини «ижтимоий партия» ҳисоблаган «Адолат» СДПнинг амалий ишлари, ҳаётий тақлифлари жуда зарур-ку!

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаати ҳимоясини ўз зиммасига олган ЎзХДП бозор иқтисодиёти шароитида ишсизлик бўлиши табиий ҳол, деб томошабин бўлиб, иш топиш учун ҳар ким ўзи курашини каби эзгу мақсаддан йироқ қарашлар билан мултоқо келиша олмайди. Партияимиз битта одамнинг ишсизлиги ҳам ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигига эришиш каби умумий миллий манфаатларга эид, деб ҳисоблайди. Шу боис ЎзХДП дастурида ХДП бозор иқтисодиёти заруригини тан олган, қўллаб-қувватлаган ҳолда, инсоний қиёфага эга бўлган ижтимоий бозор тарафдоридир, деб алоҳида белгилаб қўйилган. Бунда, аввало, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган, аммо меҳнатнинг қайсидир тури билан шуғулланиш имконига эга бўлган фуқаролар манфаатлари инобатга олинган.

«Адолат»чилар фикрича, ЎзХДП «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясига — устуворлик» шioriини такрорлаш билан чекланиб қолган, яъни бу шioriини ҳаётга реал татбиқ этиш механизми ишлаб чиқилмаган эмас. Бу фикр «адолат»чилар ЎзХДПнинг амалий ишларини кўриб кўрмасликка олаётганини аналтади. Аслида, партия электорат манфаатларига хизмат қиладиган қатор лойиҳаларни амалга ошираётганини ҳамма яхши билади. Бу ЎзХДПнинг жойлардаги фаолиятига ҳам ўз ифодасини топапти. Ўзларини социал-демократ деб атаётган партия аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қандай амалий ишларни, қандай муқобил тақлифларни илгари сураяпти? Бу масала социал-демократларнинг устувор вазифаси бўлиши керак эмасми?

«ХДП: бугунги ўйлаётган партия» мақоласида шундай дейилган: «Адолат» СДП иқтисодиётини таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технолоик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади». Кишини ҳайрон қолдирадиган жиҳати шундаки, бу жараёнда «адолат»чилар иштироки нималарда қўринадигани ҳалигача номаълум бўлиб қолмоқда. Гожи илгари суриш яхши, аммо у ишга этилмаска, қимматли бўлмайди.

Баҳсимизнинг асосий йўналишидан бироқ чекинмас-да, «Адолат» газетасида босилган «ХДП: бугунги ўйлаётган партия» мақоласидеги асосий бир даввога муносабат билдиришга тўғри келади. «Адолат» мухбири фикрича, «Бухоро вилоятида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўшаган ўринларга ўтказилган сайловларда ХДП вакилларидан бирорта ҳам депутат сайланмади. «Адолат»чиларнинг эса бир йўла уч нафар номзоди депутатликка сайланди. Бу, албатта, «Адолат» СДПнинг ҳаётий гояларига бўлган ишонч ортиб бораётганининг нишонаси».

Яъни, ХДПга ишонч сусайиб, «Адолат» СДП тарафдорлари кўпайиб бораётган эмас. Ваҳоланки, бўшаган ўринлар учун ўтказилган сайловларда ЎзХДПнинг икки нафар вакили, яъни вилоят Кенгашига Наргиза Неъматова, Олот туман Кенгашига Карим Чориев сайланди. Қаранг, сохта обрў орттириш учун «адолат»чилар ҳатто жамоатчиликка ёлгон гап айтишдан ҳам тортинмапти.

Демак, қачонки, илгари сурилган гояга яраша амалий иш бўлса, одамлар ўша партияни қўллаб-қувватлайди. Фақат гога, мактабсин билан эса узоққа бориб бўлмаслиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ

назоратнинг муҳим шакли

Ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш парламентнинг муҳим хусусиятидир. Парламент назорати институти ўзига хос ва у текширувчи ёки тафтиш қилувчи назорат идораларининг бу борадаги фаолиятидан фарқ қилади. Парламент назорати институти кучайиши давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари парламентлари амалиётда у парламент сўрови, депутат сўрови, парламент эшитиув, парламент текшируви, ҳукумат соати ва бошқа кўринишларда ҳам парламент сўровини амалга ошириш бўйича меъёр жорий қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси парламент сўрови деб номланади. Унга кўра, Қонунчилик палатаси, шунингдек,

Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган сўровларни бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли. Қонунга мувофиқ, Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Қонунчилик палатасининг мажлисларида беради.

Ўтган давр мобайнида Қонунчилик палатаси парламент сўрови ин-

ститутидан фойдаланиш борасида муайян тажриба тўплади. Масалан, 2011 йилда Қонунлар ва Давлат дастурлари ижроси бўйича ўнга ақин парламент эшитиув ўтказилди.

Уларда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолининг истеъмол талабини ошириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасини янада такомиллаштириш ва бошқа муҳим масалалар бўйича ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идора раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Шулар асосида куйи палатанинг Қонунлар ва Давлат дастурлари ижросидаги хато-камчиликларни бартараф этишга қаратилган тегишли қарорлари қабул қилинди. Парламент эшитиувлари Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар ташаббуси билан киритилган парламент сўровларига мувофиқ бўлиб ўтди. Бу ўз навбатида, сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, элек-

торат манфаатларини ҳимоя қилиш имконини кенгайтиради.

Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат бошқарувини эркинлаштириш бўйича Парламент олдида жиддий вазифалар қўйилди. Уларни бажариш учун парламент назорати тизимини, шунга оид ҳуқуқий асосларни халқро тажрибага мувофиқ такомиллаштириш талаб этилади. Хусусан, парламент назорат фаолияти самарали бўлиши учун унинг бошқа шаклларидан кенг фойдаланиш, бу борада ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш, уларни тизимлаштириш мақсадага мувофиқдир.

Ҳозир ишлаб чиқилаётган «Қонун назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шунга хизмат қилади. Ундан парламент сўрови, депутат мурожаати институтиларини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Унинг қабул қилиниши давлат ва жамият бошқаруви демократлаштиришга хизмат қилади. Парламент назорат тизими самарали ишлаши эса ижро ҳокимияти масъулиятини оширади, унинг фаолияти очик-ошкоралигини таъминлайди.

Абдуманноб РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

АМАЛИЙ ИШ

фаолиятимизда бош мезон бўлсин

— Биз бошланғич ташкилотларда ўтказилаётган тадбирлар, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги машғулотларда депутатларнинг амалий иштирокини янада кучайтиришимиз зарур, — деди Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Азимжон Исломов.

— Қуйи бўғинлар фаоллиги партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимига боғлиқ. Мамлакатда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлардан яхши хабардор бўлган, бу ислохотларга ўзини дахлдор ҳисоблаган кишидан тақлиф ва ташаббус чиқиш мумкин.

Умарали МАҲМУДОВ, ЎзХДП Тошқоқ туман кенгаши раиси:

— Бу йил тумандаги касб-хўнар коллежларини 2300 нафардан зиёд ёшлар тамомлайди. Биз битирувчилар ва иш берувчи корхона, ташкилотлар ўртасида тузилган уч томонлама шартнома имзоланишида бевоқиф иштирок этдик. Ҳозир депутатларимиз бу борада қилинаётган ишларни қатъий назоратга олган. Бу жараёнга қуйи бўғинларни ҳам кенг жалб этишга ҳаракат қилаёмиз.

Туманда партияимизнинг 38 та бош-

ланғич ташкилоти бор. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам талаб даражасида ишлаяпти, деб бўлмайди. Шу ўринда бир тақлиф бор: бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилаш учун партияимиз Марказий Кенгаши қуйи партия ташкилотлари билан ишлашнинг замонавий усулларида такомиллаштириш лойиҳасини ишлаб чиқса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу орқали ҳар бир партия кенгаши қуйи бўғинда қандай ишлар қилинаётганидан яхши хабардор бўлади. Улар фаолиятини холис баҳолаш, зарур бўлганда амалий ёрдам кўрсатиш имкони кенгайди.

Фаррух ТЕМИРБОВЕВ, ЎзХДП Қувасой шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси:

— Биз электоратимиз вакиллари орасидан ўз мустақил ишини бошламоқчи бўлган ёшларни аниқлаб, уларга иқтисодий форумлар тартиби, аҳамияти ҳақида кўпроқ тушунча беришимиз керак. Бундан ташқари, форум доирасида ташкил этиладиган барча тадбирларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга эришиш лозим. Ёшлар бу борада яратилган имтиёз ва имкониятлардан тўлиқ хабардор бўлса, ишонч билан ишга киришади.

Сиёсий ўқув машғулотида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Абдуллоева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Мухаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳамидулла АБДУНАЗАРОВ, маҳалла оқсоқоли:

— Оила мустаҳкамлиги, фаровонлиги, тинч-тотувлиги ҳар биримизнинг ҳаракатимизга боғлиқ. Айни пайтда «Аргин» маҳалласида 515 нафар оила истиқомат қилади. Биз мунтазам равишда уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб борамиз ва ечим топишга интиламиз. Бу борада ЎзХДП билан ҳамкорлик ўрнатилгани яхши самара бермоқда.

ПАРТИЯ ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришга, яъни аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

Маҳалламиз «Оилани мустаҳкамлаш борасидаги энг ташаббускор маҳалла» номинацияси голиби деб топилиши ҳам эзгу ҳаракатнинг маъсули. Умуман, оилага меҳр кўрсатиш, уни эъзозлаш, ёшларга шундай тарбия бериш ҳар биримизнинг вазифамиз.

Тадбир давомида бир гуруҳ маҳалла фуқароларига партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Лола АШУРМАТОВА, ўқитувчи:

— Кўпдан бери сиёсий партиялар фаолиятини кузатиб келаман. Айниқса, ЎзХДПнинг ҳаётий тамойиллари, илгари сурган қарашлари мени ўзига жалб қилди. Шу боис партия ташаббуси билан ўтказилаётган форум ва давра суҳбатларида иштирок этиб келаман. Бугун қишлоғимизда ўтаётган тадбир менинг ҳаётимда ёруғ из қолдирди. Чунки ЎзХДПга аъзо бўлдим. Мақсадим — ёшларимизни сиёсий уйғоқ бўлиб воёга етишига ҳисса қўиш, маҳалладошларим фаровонлиги ва партияимиз ривож учун жон куйдириб меҳнат қилиш.

Давра суҳбатиде иштирок этганлар партия ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш борасида фикр алмашди, тақлиф ҳамда тавсияларни ўртага ташлашди. Бу эса «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасининг галдаги вазифаларини белгилаб олишда қўл келади.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давома. Боши 1-бетда.)

(Давома. Боши 1-бетда.)

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

«Ангрен» махсус индустриал зонасининг барпо этилиши мазкур ҳудудда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юккас технологияли корхоналарни ташкил қилиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича шарт-шароитларни шакллантириш, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга кенг имконият беради.

Махсус индустриал зонанинг ривож бўлиши ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнини тезлаштириш, соддалаштиришга хизмат қилади. Шу боис махсус индустриал зона фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишларидан бири транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, «Ангрен» логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада такомиллаштириш ҳамда улардан кенг қўлдан фойдаланишидир.

си ҳам жиддий эътибор талаб этади. Бунинг учун ҳар бир транспорт жараёнини логистик нуқтаи назардан замонавий талаблар асосида ташкил қилиш лозим.

Шу мақсадда Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг олимлари «Ангрен» логистика маркази билан илмий-тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ва транспорт иши самараларини оширишга эришиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Институт профессор-ўқитувчилари «Ангрен» логистика марказида бўлиб,



6 та хўжалик шартномаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Бу илмий-изланишлар «Ангрен» логистика марказида фойдаланишда бўлган транспорт воситаларини ишлаб чиқариш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Уларда фойдаланиладиган материаллар муддатларини меъёролаштириш каби муҳим муаммоларни ўзига қамраб олган.

«Қамчиқ» довони орқали ўтадиган мураккаб йўл шариоитида транспорт воситаларини ҳаракатланиш тартибларини ўрганиш ва илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш борасида институт олимлари ва магистрантлари бир қатор илмий-тадқиқот ишларини бажармоқда. Зеро, мураккаб тоғ шароитида транспорт воситаларидан самарали фойдаланишда жуда кўплаб омиллари ҳисобга олиш зарур.

Бундан ташқари, институтда «Ангрен» логистика маркази учун мутахассисларни мақсадли тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Институтимизда

«Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси» бакалавриатура йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича 2009 йилдан бошлаб кадрлар тайёрланмоқда. Бакалавриатура йўналиши бўйича йилга 50 нафар, магистратура мутахассислиги бўйича 16 нафар мутахассис тайёрланиши кўзда тутилган. Шу йил институтда бўлиб ўтган «Карьера куни»да «Ангрен» логистика маркази мутахассислари ҳам қатнашди. Улар институт битирувчилари билан учрашиб, келгусида «Ангрен» логистика марказига ишга жойлашиш бўйича таклифлар беришди.

Турли транспорт коридорларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатмоқдаки, Европада Осиёга ва тескари йўналишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтган автомагистраль орқали юкларни ташиш қарийб икки марта тезроқ ва тежамлидир. Халқаро автомагистралнинг ишга тушиши орқали мамлакатимиз Евроосиё транспорт коридорига қўшилиши ва халқаро транспорт бозорининг фаол иштирокчисига айланади. Евроосиё транспорт коридорининг «Ангрен» махсус индустриал зонаси орқали ўтиши логистика маркази мақомини янада юқори даражага кўтарилишини талаб қилади. Шу боис «Ангрен» логистика маркази фаолиятини илмий асосланган логистик ёндашувлар орқали такомиллаштириш бориши нафақат махсус индустриал зона учун, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Анвар НАЗАРОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг логистика кафедраси мудири.

Дарҳақиқат, «Ангрен» логистика маркази мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Буни «Ангрен» логистика маркази томонидан 2011 йилда 4,2 миллион тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилгани ҳам кўрсатиб турибди. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, юкларни истеъмолчиларга ўз вақтида, кам сарф-харajatлар билан етказиб бериш масала-

у ерда мавжуд масалалар юзасидан марказ раҳбарияти, мутахассислари билан ўзаро фикр алмашиб, юк ташиш ишларини логистик ташкил этиш, транспорт воситаларидан фойдаланиш жараёнида юзга келмаётган турли муаммолар ечимларини топиш юзасидан илмий изланишлар олиб бормоқда.

Бугунги кунда институт олимлари «Ангрен» логистика марказида умумий ҳажми 106 миллион 263 минг сўмлик



Миллий матбуот марказида

«UZ» ДОМЕНИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги UZINFOCOM маркази ва infoCOM.UZ журнали билан ҳамкорликда «UZ» доменини ривожланиш ҳолати ва унинг истиқболлари» мавзуда матбуот анжумани ўтказди.

Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Шухрат Атамухамедов миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш масалаларини ечиш, ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг барча соҳалари ва жамият ижтимоий ҳаётига жорий этиш ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»-ги Фармон эълон қилингани ҳамда унга мувофиқ 2003 йил март ойида ICANN халқаро ташкилоти билан имзоланган келишувга асосан миллий доменини бошқариш ҳуқуқи «UZ» миллий доменининг маъмури бўлган UZINFOCOM марказига топширилгани ва хизматлар сифатини ошириш, домен номларини рўйхатга олиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш борасида рўйхатга олувчилар ва маъмурининг вазибалари тақсимлаб берилганини айтиб ўтди. Шунингдек, 2005 йилнинг охиридан бошлаб республикамизда олтига расмий рўйхатга олувчи компаниялар фаолият олиб бормоқда, булар Tomas, Amaliy Aloqalar Biznesi (BCC), Sarkor Telekom, Billur Com, Arsenal-D ҳамда Фаргона бўйича Симус компанияларидир.

Хусусан, доменлар йўқолиши ҳолларининг олдини олиш борасида фойдаланувчилар СМС тарқатмалар ва электрон хабарномаларни юбориш, СМС орқали whois хизмати, домен номлари эгалари учун ўзларининг доменлари ва билдириш хати соғломаларини бошқариш учун «Шахсий кабинет», cctld сайтининг мобил версияси ҳамда desk.uz лойиҳаси билан бирга «UZ» домени муддатларининг назорати» тизими жорий этилди.

Жумладан, www.cctld.uz сайтида тўлиқ он-лайн статистикаси мавжуд бўлиб, у турли кесимлардан «UZ» домен зонасининг ривожланиш ҳолати ҳақида маълумотларни кўриб чиқиш имконини беради. Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги кунда 14, 1 мингдан ортиқ домен номлари рўйхатдан ўтган бўлиб, йил бошига нисбатан доменлар сони 700 тага ошган. Интернетнинг миллий сегментини веб-сайтларнинг кўйидаги йўналишлари мавжуд бўлиб, улар Hi-Tech, маданият, илм-фан, ҳордиқ, спорт, бизнес, давлат бошқарув идоралари веб-сайтларидир.

Шунингдек, анжуманда, журналистларга республикамизда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, тизимдаги ўзгариш ва янгиликлар, келгуси режалар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Реклама ўрнида



БАНК КРЕДИТЛАРИ

янги иш ўринлари
очирилишига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда банк тизими алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, айниқса, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят бошқармаси фаолияти диққатга сазовор.

Бугунги кунда вилоятда банкнинг 16 та шаҳар ва туман филиаллари, 15 та минибанклари томонидан 23 минг 264 дан ортиқ юридик шахсларга кенг қамровли, молиявий хизматлар кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг I чорагида яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига ажратилган 6 млрд. 214 млн. сўм кредитлар эвазига 1 минг 370 та янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, Хўжаобод филиали мижози «Хўжаобод олтин балик» фермер хўжалигига балиқчилик соҳасини ривожлантириш учун 88 млн. сўм миқдорда 3 йил муддатга банк кредити ажратилди. Бунинг натижасида хўжаликда 8 та янги иш ўрни вужудга келди.

Қўргонтепа филиали мижози «Субхидам камалаги» масъулияти чекланган жамиятга банк маблағи ҳисобидан колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 100 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. 9 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, «Мамасодиқова Ҳамрохон» фермер хўжалигига

қадоқланган ош тузи ишлаб чиқариш учун банкдан олинган 50 млн. сўм миқдордаги кредит ҳисобига аҳоли учун арзон нархларда маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Туманларда ва қишлоқ жойларда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишларига кўмаклашиш банк томонидан алоҳида эътиборга олинган.

Янги ишончли ва манфаатли банк хизматлари туфайли мижозлар сони ҳам кўпаймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, банк кредитлари янги корхоналар ташкил этишга, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ноозик-овқат истеъмол товарлари билан тўлдирishга, энг асосийси, янги иш ўринлари очирилишига хизмат қилмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Хориж

ЯНГИ ВАКЦИНА

инфарктнинг олдини олади

Инфаркт хасталиги дунё миқёсида кенг тарқалган касалликлар турига кирди. У асосан инсоннинг турмуш тарзидан келиб чиқадиган хасталик ҳисобланади. Хавфлилик даражаси эса инсон ҳаёти билан боғлиқки, айнан шу боис ҳам олимлар унинг олдини олиш йўлида тинмай изланмоқда. Бундай изланишлар ижобий натижалар бераётгани кишини, албатта, қувонтиради.

Швециялик олимлар олиб борган изланишлар самараси дунё жамоатчилигини қувонтирди.

Гап шундаки, Лунд университетининг олимлари юрак-қон-томир хасталиклари қарши вакцина яратдилар. Бу вакцина иммунитет тизимини яхшилаш билан бирга, қон томирларига холестерин тушишига йўл қўймайди.

Маълумки, юрак ва қон-томирларининг ёғ босиши инфаркт хасталигини юзга келтирувчи асосий сабаблардан биридир.

Инфарктга қарши вакциналар яқин 5 йилда сотувга чиқарилади.

Киши организмидаги саратон касаллиги хўжайраларига қарши курашувчи «Иммудин» вакцинаси яратилгани ҳам дунё миқёсида ўзига хос шов-шувга сабаб бўлди. Негаки, саратон ҳам хавфли касалликлар сирасига кирди.

Буюк Британиянинг «Деяли телераф» нашри хабар тарқатишича, бу вакцина Тель-Авив университети олимлари томонидан яратилган. У ҳам кишининг иммун тизимини мустаҳкамлаб, танада саратонга қарши курашувчи моддалар миқдорини оширади. Яъни, организмдаги саратон шими жараёнини тезлаштирувчи «Муцин-1» моддасига таъсир кўрсатиб, ўсимталарнинг ривожланишини секинлаштиради.

Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, «Иммудин» парати билан даволанган беморларда бу хавфли хасталикка қарши курашувчанлик қобилияти ошган, улар соғая бошлаган.

Вакцина яқин 6 йилда савдога чиқарилади.

Олимларнинг яна бир янгилиги касаллиги хўжайраларига қарши янги усули яқин кунларда ишлаб чиқиши мумкин.

Бундай дейишимизга сабаб, АҚШнинг Мэриленд штатидаги Жон Хопкинс университети олимлари бактерияларнинг энтеробактер тури чивинлардаги безгак инфекциясини нобуд қилишини аниқладилар. Демак, янги турдаги вакцина яратилса, айна вақтда жаҳонда долзарб муаммога айланган чивин орқали инсонга ўтувчи безгак касаллиги тарқалишининг олдини олиш мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, дунёда ҳар йили 225 миллион киши безгакка чалинади. Улардан 800 минг хавфдан бевақф кўз юмади.



Вакцина яқин 6 йилда савдога чиқарилади.

Олимларнинг яна бир янгилиги касаллиги хўжайраларига қарши янги усули яқин кунларда ишлаб чиқиши мумкин.

Бундай дейишимизга сабаб, АҚШнинг Мэриленд штатидаги Жон Хопкинс университети олимлари бактерияларнинг энтеробактер тури чивинлардаги безгак инфекциясини нобуд қилишини аниқладилар. Демак, янги турдаги вакцина яратилса, айна вақтда жаҳонда долзарб муаммога айланган чивин орқали инсонга ўтувчи безгак касаллиги тарқалишининг олдини олиш мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, дунёда ҳар йили 225 миллион киши безгакка чалинади. Улардан 800 минг хавфдан бевақф кўз юмади.

ЭГАСИГА ЕТКАЗИЛМАГАН

хатлар учун жавобгарлик

Германия судида «Deutsche Post» почта хизмати ходимининг жиноий иши кўрилмоқда.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, 36 ёшли бу почта ходими ўтган йилдан бери 40 мингга яқин хат ва посылкаларни эгаларига етказмаган. Уларни уйда сақлаган. Тинтув пайтида уларнинг барчаси унинг уйдан топилган.

Айбдор бу хатти-ҳаракати билан «Deutsche Post» почта хизматида 100 минг евро миқдорда иқтисодий зарар етказган.

Маъмур хат ва бошқа почта жўнатмалари почта хизмати томонидан дарҳол ўз эгаларига етказилди.

Айбдор эса айбига яраша қонуний жазога тортилади.



Ижтимоий ҳимоя

«ШИФО ТОПИШ УЧУН ЮГУРИШ!»



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу йилдан бошлаб «Ҳаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси Сюзан Г. Комен номидаги кўкрак саратонига қарши кураш фонди (The Susan G. Komen Breast Cancer Foundation) билан ҳамкорлик қилишувчи имзолаштириш мусобаботи билан лойиҳага халқаро мақом берилди. Тошкентда 1 май куни ўтказилган якуний марафон «Race for the Cure» (Шифо топиш учун югуриш!) шiori остида уюштирилди. Бундан ташқари, имзолаштириш «Ҳаёт учун!» кўкрак беши саратони уюшмасининг юртимиздаги хайрия фаолиятини кенгайтириш ва ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Уч йилдан бери ўтказилаётган аънанавий хайрия форум-марафонда қатнашмиш истагини билдирган ҳамюртларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. — дейди «Ҳаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси раҳбари Шаҳноза Умарова. — Марафондан кўзланган асосий мақсад саратон касалликларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, кўкрак беши саратонига қатнашган аёлларни қўллаб-қувватлаш, касалликнинг олдини олиш учун тегишли ҳаёт тарзларини ўргатиш ва мунтазам равишда маммографик кўриклардан беғул ўтиш имкониятини яраттириш. Тадбирдан тўшган барча маблаг кўкрак беши саратонига қатнашган аёллар учун дори-дармон сотиб олиш ва маммографикда истиқомат қилаётган аёлларни текширувдан ўтказиш бўйича ташкил этилаётган акцияларга йўналтирилмоқда. Ҳозиргача «Ҳаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмасининг турли лойиҳа ва акциялари доирасида юртимиз бўйлаб 15 минг нафар аёл беғул тиббий текширувдан ўтказилди. Натияжада касаллик барвақт аниқланиб, аёлларни даволаш имконияти ошди. Уч юздан ортқ аёл умумий ҳисобда 900 млн. 430 миң сумлик зарур дори-дармон билан таъ-



минланди. Маммология, гинекология ва руҳшунослик бўйича хорижий мутахассисларнинг маҳаллий шифокорлар учун маҳорат дарслари мунтазам ўтказилмоқда.

Навбатдаги хайрия форум-марафони пойтахтимизнинг Шаҳри-сабз ва Абдулла Қодирий кўчалари кесилган чорраҳадан эски Хайвонот боғигача бўлган уч километрлик масофада ташкил этилди. Унда юртимизнинг эстрада, кино, театр олузулари, дипломатик корпус вакиллари, шифокорлар, спортчилар, жамоат ташкилотлари, вазирликлар ходимлари, чет эллик меҳмонлар, талабалар, мактаб ўқувчилари, бир сўз билан айтганда, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар фаол қатнашди. Беш босқичда ўтказилган тадбирда иштирок этганлар сони эса ўн мингдан ошиб кетди. Хайрия форум-марафони чоғида ташкилотчилар томонидан чакрилган йигирма миң донага яқин футболка сотилди.

Замира ҲАЛИМОВА, профессор, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий маркази нейроэндокринология бўлими раҳбари: — Бугунги «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафонда жамоамизнинг ўттиздан зиёд шифокор ва ҳамширалари иштирок этишмоқда. Биз тиббиёт соҳасида фао-

лият кўрсатаётганимиз сабабли хаста дилларга малҳам бўлиш қанчалик муҳим эканлигини жуда яхши ҳис қиламиз.

Шу боис, ҳам умумхайрия ишидан четда қолмаслик, касалликка қарши курашга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида марафонда қатнашяпмиз. Бундай хайрли тадбирлар нафақат беморларимизга мадад бўлади. Балки инсонларни янада жипс-лаштиради, саломатлигимиз учун кўпроқ қайғуришга ундайди.

Лутфулла САБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ артисти: — Хайрия марафонидан бутун оила аъзоларимиз билан иштирок этяпмиз. Рафикам Гулчехра-хон, фарзандларим ва набираларим ҳам ёнимда. Барчамиз футболкалар харид қилдик. Тадбир иштирокчилари билан ҳамнафас бўлиш, айниқса, ёш йигит-қизлар билан биргаликда саломатлик учун югуришнинг завқи барбиров бошқача-да! Бу каби марафонлар инсонларни тетик қилади, кайфиятини кўтарди. Энг муҳими, ўз иштирокимиз билан кўкрак беши саратони касаллигига қатнашган-

ларга ёрдам бераётганимиздан хурсандим.

Нигина САЛИМОВА, Тошкент давлат шарқшунослик институти III курс талабаси: — Дугоналарим билан хайрия форум-марафонда қатнашганимизни орзиқиб кутдик. Бу ҳаётимдаги иккинчи марафондир. Иштирокчилар сонининг ўтган йилгига нисбатан бир неча баробар кўпайганлигиндан хурсанд бўлдим. Беморлар ҳолидан хабар олиш, улар дардига малҳам бўлиш халқимизга хос фазилатлардан биридир. Шундай эзгу ишга ҳисса қўшиш учун юзага келган ажайиб имкониятдан унумли фойдаланмоқчимиз. Фурсатдан фойдаланиб, «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз. Бу оламда ҳеч бир инсон дард нелигини билмасин, гўзал аёлларимиз доимо саломат бўлсин! Чинакам спорт-шосуига айланган тантаналар якунида пойтахтлик Ҳожиевлар оиласи — «Энг фаол оила», Тошкент Тиббиёт академияси — «Энг фаол жамоа», сурхондарёлик Умида Бобомухамедова, навоийлик Нилуфар Рўзиева, жиззахлик Инобат Мамамуллоева, андижонлик Гузал Комилова — «Энг фаол иштирокчилар» номинациясида фолиблики қўлга киритишди.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Кони СЭЛГИ:

«ЮРТИНГИЗДА АЁЛЛАР ФУТБОЛИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ»

Яқинда пойтахтимизда илк мартаба футбол бўйича аёл мураббийлар иштирокида халқаро ўқув-амалий семинар ташкил этилди. Уни ФИФА аёллар футбол инструктори, австралиялик Кони Сэгли олиб борди. Семинар якунида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда фаолият олиб бораётган йигирма беш нафар мураббийга Халқаро футбол уюшмасининг махсус сертификатлари топширилди. Мухбиримиз Кони Сэгли билан суҳбатлади.

— Дастлаб бундан икки йил муқаддам ФИФАнинг ишончли вакили сифатида Қашқадарё вилоятида бўлиб, у ерда аёллар футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ақиндан танишганим, — дейди у. — Ушандаёқ бу юрт ва унинг меҳмондўст, кўнгли очiq инсонлари мени ўзига ром этган.

Ун беш йилдан бери ФИФАнинг аёллар футбол департаментида инструктор вазифасида ишлаб келяпман. Бунгача Янги Зеландия, Таити, Янги Каледония, Бирлашган Араб Амирликлари аёллар терма жамоаларида бош мураббий сифатида фаолият кўрсатганман. Айнан Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасида ишлаётган чоғимда ўзбек аёллар футболни ҳақиқатан илҳам қилган эга бўлганман. Ушанда Абу-Дабида ўтказилган халқаро турнирда жамоамиз ўзбекистонлик қизларга қарши майдонга тушиб, катта қийинчилик билан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Тақдирини қарангки, хизмат тақозоси билан иккинчи мартаба юртингизда бўлиб турибман.

— Ушбу семинардан кўзланган асосий мақсад қаҳда тўхталсангиз. — Маълумки, дунё аёллар футболда Осиё қитъаси вакиллари катта обрўга эга. Охириги йилларда турли ёшдаги терма жамоалар ўртасида ўтказиб келинаётган жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида Япония, КХДР, Хитой каби давлатларнинг футболчи қизлари эришаётган ютуқларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Семинардан кўзланган бош мақсад эса ФИФА томонидан аёллар футболни барча минтақада бирдек ривожлантиришга қўмаклашидир.

Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида аёллар футболни ривожлантириш учун ҳукумат даражасида талайгина ишлар амалга оширилаётганлиги бизни жуда хурсанд қилмоқда. Улар учун яратилган шарт-шароитлар, айниқса, ёш қизақлар учун нафақат шаҳарда, балки чекка қишлоқларда ҳам махсус



футбол тўғрақлари очилаётгани ва уларнинг мунтазам фаолият кўрсатаётгани таҳсинга лойиқ. Биз семинар давомида айнан ана шу тўғрақларда иш олиб бораётган мутахассисларни замонавий футболда бўлаётган муҳим ўзгаришлар, янгиликлардан воқиф қилишга интидик.

— Мутахассис сифатида мураббийларимиз савиясини қандай баҳолайсиз?

— Маълумки, дунё аёллар футболи мураббийлари низоҳатда интилуванган, ўз ишига меҳри банд, юксак салоҳиятга эга. Аксарият тингловчиларимнинг эндигина футболчиликни тугатиб, мураббийлик ишига киришганлигини қўриб янада қувондим. Улар билан жуда катта ютуқларга эришиш мумкин. Агар Европадаги бир-иккита мамлакатни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистонда аёллар футболни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитларни дунёнинг бошқа бирорта давлатида учратмайсиз. Ҳатто, бугун жаҳон миқёсида юксак натижаларни қайд этаятган Япония, КХДР, Хитой мамлакатларида ҳам бу ердagидек имконият ва эътиборни учратмайсиз. Шундай экан, юртингиз аёллар футболининг истиқболи порлоқлигига ҳеч қандай шубҳам йўқ. Бу эса мазкур спорт тури бўйича Ўзбекистоннинг тез орада дунёга танилишига замин яратди.

(Ўз мухбиримиз).



КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Кеча Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги гуруҳ учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «Е» гуруҳида тўп сураётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси бешинчи турда Австралияда «Аделаида Юнайтед» футболчиларига қарши майдонга тушди.

Агар бунёдкорчилар мазкур ўйинда ғалаба қозонишса, ўз гуруҳида пешқадамликни қўлга киритиш учун курашиш имкониятини сақлаб қолишарди. Ҳатто деярли тўлиқ ҳамюртларимиз устунлигида кечган бўлса-да, унда ҳисоб очилмади — 0:0.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида «Поханг Стилерс» (Жанубий Корея) — «Гамба Осака» (Япония) жамоалари майдонга тушди — 2:0.

Шунингдек, кеча муҳлислар «Пахтакор» (Тошкент) — «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) (1:2), «Ал-Жазира» (Бирлашган Араб Амирликлари) — «Насаф» (Қарши) жамоалари (4:1) учрашувларининг гувоҳи бўлдилар.

Гуруҳ босқичининг охириги тур ўйинлари 16 майда бўлиб ўтади. Шу куни «Бунёдкор» — «Поханг Стилерс», «Насаф» — «Истиклол» (Эрон), «Банияс» (Бирлашган Араб Амирликлари) — «Пахтакор» футболчилари ўзаро куч синашади.

(Ўз мухбиримиз).

Газетанинг навбатдаги сони 8 май, сешанба кунини чиқади.

Мулоҳаза учун мавзу

КЕЛИННИ КЕЛГАНДА КЎР...

Никоҳ тўйларидаги дабдабозлик, миллий қадриятларимизга ёт кийим-кечаклар ҳақида

Эл орасида ибратли мақол бор — келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. Тасаввур қилинг, меҳмону мезбонлар билан лик тўла тўйхонага оппоқ ҳарир рўмол ўраб, келин куёв билан кириб келмоқда. Хаммининг никоҳи уларда, дилларидан «Илоё, икки ёшни ёмон кўзлардан асра!» деган тилак. Тилларида «икки ёш бахтли бўлсин», деган дуо.

Яхши ният — ярим давлат. Аммо мени бир ҳолат ўйлантиради. Бу воқега унча кўп бўлгани йўқ. Бир опахон ўғлининг никоҳ тўйига таклиф қилди. «Ният қилган эдим, никоҳ кечасида мана шу узукларни ФХДЭ ходимаси билан бирга, ўғлим ва келиннинг бармоқларига тақиб қўйсангиз», деди. Ўша кунни эзоқ туманда тадбирда эдим, аммо тўйга етиб келдим. Ҳашаматли тўйхона, тумонат меҳмонлар, ноз-неъмат тўла дастурхон. Даврага келин-куёв кириб келди, ҳамма уларни олқишлаб, оёққа туриб қарсак чалди. Онанинг ниятини бажо келтирдим, икки ёшнинг бир-бирига никоҳ узугини тақдир маросимида иштирок этдим. Лекин келиннинг ярим-яланғоч либосини кўриб, очиги, хижолат бўлдим. Назаримда, келин ҳам бу либосда ўзини ўнғайсиз сезаётгандай эди.

Келиннинг тумонат турди олдида очиқ-сочиқ ҳолда орашиш куёвни ҳам хижолат қилган бўли-

ши мумкин. Афсус, бундай «супер келин либослар» ҳозир кўп тўйларда кўраямиз. Ҳатто қишлоқ жойларда ҳам бу либослар русумга айланапти. Ота-аналар, қариндошлар, очиги, ҳаммамиз бу ҳолатга кўникиб бораёямиз. Ахир «келин» сўзининг замирида одоқ, ҳаё, ибод, назокат ётади-ку!

Сўнги пайтларда никоҳ тўйларида яна бир иллат пайдо бўлди, келин-куёв вальсга рақсга тушади, йигитнинг дўстлари, яқинлари икки ёшнинг бошидан пул, ҳатто «кўки»дан сочади, ёшув қарининг оёқ остида пул сочилиб ётади. Ахир, бу нонкўрлик, маданиятсизлик эмасми? Ўзини пимиздан қочиб, кўр-кўрона бошқалар кетидан эргашаяпмизми?..

ларимизга мос келин либоси, тўй кийимлари ҳақида ҳам кўрсатув қилиш мумкин-ку! Балки кимдир: «Ёшлар шундай кийинишни исташмасан-чи», дер. Менимча, аксарият ёшлар тўй либосларини миллийлаштиришни истайдилар, фақат уларни шундай савоёбли йўлга бошлаш учун катталар ҳафсала қилиши лозим. Қолаверса, бу хайрли иш одамларга маъқул бўлади.

Яқинда яна бир тўйда бўлдим. Қашқадарёдан Самарқандга шундай ибодат-хаёли бир келин тушди, тўй бирам файли бўлди, кўйверасиз. Даврага бошида дўп-ю ҳарир ёпинчик, замонавий, ҳақиқий шарқона русумдаги оппоқ тўй либосида келин кириб келди. Очиги, хаммининг никоҳига бир зум хайрат энди, сўнгра гулдурос қарсак янгради. Келин ва куёв ҳуқуқшунос, уларнинг дўст-жўралари, курсдошлари одоқ доирасида хурсандчилик қилиб рақсга тушиб, ўйин-кулгуб билан тўйни ўтказди.

Тўйга келган пиру бадавлатлар келин-куёвга бахт тилашди, икки

ёшга тарбия берган ота-онасига, маҳалла-қўйга раҳмат, кам бўлмаглар! дея дуо қилишди. Эл оғзида бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил, деган гап юради. Дарҳақиқат, биз ёшларимизнинг бахтли оила қуриши ҳақида кўп гапирамиз, панд-насихат қиламиз, баъзан боришимиз уларнинг тўй-ҳашамига сарфлаймиз, бировдан кам бўлмасин деб топганимизни харжлаймиз. Бир кунлик тўй баъзи учун «супер тўй либосини фалон пулга харид қиламиз. Тўғри, орзу-ҳавас, деймиз, бу — яхши. Аммо урф-одатларимизга, миллий қадриятларимизга зид кийим-кечаклар, қадимий аънаналаримизга ўзга одатларни тикиштириш нимага олиб келади? Ёшларимизнинг маънавий дунёсини гариблаштириб, миллийликдан йироқлаштириб қўймаймиди? Буни ҳам ўйлаб кўриш керак!

Сиз нима дейсиз, газетхон! **Дилбар ХУҲАҚУЛОВА, Ғузур туман ҳокимининг ўринбосари, ЎзДҲП вилоят кенгаши аъзоси.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ер тўзиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Фузулий тор кўчаси, 30-а уй эгаси Исмаилов Қосимов номига берилган уй лани ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОБ-ҲАВО 03-04 – 05. 2012

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+12 / +17 +23 / +28

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+12 / +17 +25 / +30

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+13 / +18 +20 / +25

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+13 / +18 +25 / +30

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+11 / +16 +21 / +26

Тошкент шаҳри

+14 / +16 +23 / +25

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон +8 / +6

Париж +10 / +10

Москва +3 / +3

Мадрид +9 / +10

Пекин +16 / +17

Гонгконг +26 / +25

Рим +11 / +11

Афина +15 / +15

Токио +17 / +17

Стокгольм +2 / +2

Кейптаун +12 / +13

Ҳохира +21 / +22

Гавана +24 / +23

Вашингтон +19 / +20

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihidin MUHIDDINOV, OCHILBOY RAMATOV, Saidahmad SAIDAHMAD, RAHIMOV

Parlament faoliyati — 233-10-13; Pariya hayoti — 233-11-49; Medioniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.05 Topshirilgan vaqti — 23.20

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2000-7633. 1 2 3 4 5